

6-1-2020

PRACTICE OF BUDGET FINANCING OF PUBLIC EDUCATION SYSTEM

M. Sharapova
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Sharapova, M. (2020) "PRACTICE OF BUDGET FINANCING OF PUBLIC EDUCATION SYSTEM," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 3.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss3/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

М.А.Шарапова

Тошкент молия институти

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ

Мақолада давлат молиясини ислоҳ қилиш шароитида таълим тизимининг асосий босқичи ҳисобланган халқ таълими тизимини бюджет мабалағлари ҳисобидан молиялаштириш амалиёти ёритилган бўлиб, бунда ушбу тизимга сарфланаётган маблағларнинг ЯИМдаги ва жами бюджет харажатлари таркибидаги улуши таҳлил қилинган. Шунингдек, халқ таълими тизимида мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш масаласига эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: таълимни молиялаштириш, молиялаштириш манбалари, бюджетдан молиялаштириш, халқ таълими, умумий ўрта таълим, халқ таълими харажатлари.

ПРАКТИКА БЮДЖЕТНОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

В статье рассмотрена практика финансирования системы народного образования, являющейся основной стадией системы образования, за счёт бюджетных средств в условиях реформирования государственных финансов, а также проанализирована доля, расходуемых средств на данную сферу, в общем составе ВВП и расходов бюджета. А также уделено внимание преодолению существующих проблем в данной системе и вопросам эффективной организации финансирования.

Ключевые слова: финансирование образования, источники финансирования, бюджетное финансирование, народное образование, общее среднее образование, расходы народного образования.

PRACTICE OF BUDGET FINANCING OF PUBLIC EDUCATION SYSTEM

The article discusses the practice of financing the public education system, which is the main stage of the education system, at the expense of budget funds in the context of reforming public finances, and also analyzes the share of funds spent on this sector in the total GDP and budget expenditures. Also, attention is paid to overcoming existing problems in this system and issues of effective organization of financing.

Key words: financing of education, sources of financing, budget financing, public education, general secondary education, expenses on public education.

Кириш

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг узвий ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири таълим соҳасидаги ислохотлар ҳисобланади. Таълим тизимининг қай ҳолатда эканлиги ва қандай кадрлар

келажакда тайёрланиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга. Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга таълим тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, илм-маърифат ва инновацияни ривожлантириш орқали эришишимиз мумкин. Бу ҳақида Президентимиз Ш.Мирзиёев куйидагиларни таъкидладилар: “Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик” [1].

Таълим тизимида гап борар экан, унинг асосий бўғини ҳисобланган умумий ўрта таълимга катта аҳамият қаратилади. Шу сабабли ҳам халқаро миқёсда ижтимоий фаровонлик даражасини аниқлаш таълимга оид кўрсаткичлардан, жумладан болаларнинг мактаб билан қамраб олинганлик даражаси, ўқитувчилар сони, таълим олишдаги тенг ҳуқуқлилиқ даражаси, таълим учун жон бошига ҳисобланган давлат харажатлари каби кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Шундай экан, узлуксиз таълимнинг асосий қисми ҳисобланган мактаб таълимини молиялаштиришни самарали ташкил этиш масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Таълим тизимини, жумладан халқ таълими тизимини молиялаштириш механизми ва таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш борасида хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари изланишлар олиб борганлар ва бу борада хилма-хил фикрлар мавжуд. Ҳар бир тадқиқотчи олиб борган изланишлари натижасида ушбу мавзу доирасида ўз қарашларини намоён этганлар.

Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори Г.С. Беккер ўз назариясида интеллектуал капиталга ҳам давлат, ҳам хусусий сармояларни амалга ошириш иқтисодий зарурат эканлигини асослаб берган. Унинг фикрича, фуқароларнинг таълимига, тиббиётга ва кадрларни тўлдиришга йўналтирилган ижтимоий дастурларга сармоялар киритиш бу янги технологияларни яратишга сармоя киритиш бўлиб, фақат келажакда катта фойда келтириши мумкин [2].

Чиан-ХуиЛуниг фикрича “Таълим тизимини самарали ташкил этилиши иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай мамлакатда бошланғич ва ўрта таълим давлат томонидан қўллаб-қувватланади” [3].

Таълимни ривожлантиришда уни молиявий маблағ билан таъминлаш, яъни молиялаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовлар молиялаштириш иқтисодиёт субъекти фаолиятининг пул билан таъминлашни бўлиб, улар бир нечта усуллар орқали амалга оширилишини, жумладан, ўзини-ўзи молиялаштириш, бюджетдан молиялаштириш ва ҳомийлар томонидан молиялаштиришни эътироф этган бўлсалар [4],

Т.Маликов ва Н.Хайдаровларнинг фикрича “Молиялаштириш дейилганда режада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун субъектларга бюджет ва бюджетдан ташқари мабалағларни тақдим этиш тушунилади. У пул мабалағларини тақдим этишнинг ўзига хос шакл ва метолари билан характерланади ҳамда маълум бир принципларга таянади [5].

Таълим соҳаси ўзига хос молиявий механизм билан тавсифланади. Бу борада В.В.Чеха эса таълимни молиялаштириш бу турли даражадаги бюджетлардан маблағ ажратиш, қабул қилиш, фойдаланиш жараёни эканлигини, ушбу жараён ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилишини, шу муносабат билан таълимни молиялаштиришни ҳуқуқий тартибга солишни таъминлайдиган қонун манбалари муҳим роль ўйнашига эътибор қаратган бўлса [6], С.А. Беляков таълимни молиялаштириш – таълим хизматларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ муносабат бўлиб, ушбу хизмат таълим олувчига унинг ўзи ёки оиласи томонидан эмас, балки ушбу хизматдан фойдаланмайдиган давлат томонидан кўрсатилишини эътироф этган [7].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан З.Срожиддинова, Б.Сугирбаев, Б.Нурмухамедоваларнинг фикрича “Таълим тизимини молиялаштиришга сарфланадиган маблағлар давлат ва нодавлат манбаларга бўлинади:

Молиялаштиришнинг давлат манбалари:

- давлат (республика ва маҳаллий) бюджети;
- давлат мақсадли фондлари [8].

Ўзбекистонлик иқтисодчи Х.Дўстмуҳаммад халқ таълимини молиялаштиришни такомиллаштириш борасида олиб борган тадқиқотлари натижасида таълимни баркамол инсонни шакллантиришга қаратилган инвестиция эканлигини эътироф этган. “Жамият ҳам, давлат ҳам, бундай инвестиция киритишдан манфаатдор, чунки, таълим сифатини ошириш ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширишга, мавжуд ижтимоий муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Шу боис, таълимга йўналтирилаётган молиявий ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари қўлланилаётган устувор аҳамиятга эгадир” [9].

Д. Рахмоновнинг Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борган тадқиқотида “Таълим тизимини молиялаштириш йўналишларини кенгайтириш лозимлиги таълим билан аҳолини қамраб олишнинг долзарблиги орқали ифода этилади. Ўзбекистонда таълимнинг қамраб олиш даражаси бирмунча кичик рақамларда бўлиб қолаётганлиги унинг молиявий дастаклари билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам, таълим тизимини молиялаштириш мианбаларини ва уларнинг бошқарувини либераллаштириш зарурияти туғиладидеган хулосага келган [10].

Таҳлил ва натижалар


Мамлакатимизда умумий ўрта таълим мажбурий таълим ҳисобланганлиги сабабли харажатларнинг кўп қисмини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Таълим соҳасида бюджет харажатлари самарадорлигини

аниқлаш мақсадида бюджет маблағларини режалаштириш ва тақсимлашдаги ҳолатларини таҳлил қилишимиз зарур.

Давлат бюджети харажатлари турли даражадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қарорлар, жамиятдаги жами талабга таъсир кўрсатади. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳам давлат бюджети харажатларига таъсир кўрсатади.

Давлатнинг таълим соҳасига йўналтирадиган харажатлари келажакда ЯИМ ҳажмига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки, бу маблағлар инвестиция сифатида инсон факторини ривожлантиришга ва келажакда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва иқтисодий ўсишга хизмат қилади [11].

Таълимга сарфланадиган бюджет харажатларининг ЯИМга нисбати мамлакатнинг таълимга сарфланаётган миллий бойлигининг улушини кўрсатади. Шу ўринда охириги 5 йил ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ҳажмининг ва унда давлат бюджетининг таълим харажатларини улушини кўриб чиқамиз (1- расм).



1-расм. Таълим харажатларини ЯИМдаги улуши¹

ЯИМ ҳажми 2015 йилда 210183 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 511838 млрд сўмни ташкил этиб, охириги 5 йил мобайнида 301655 млрд сўм ёки 2,4 баробарга кўпайган. Шунга мос равишда давлат бюджети харажатлари 81532 млрд сўм ёки 3,2 баробарга, таълим харажатлари 15941 млрд сўм ёки 2,2 баробарга ва умумий ўрта таълим харажатлари 12451 млрд сўм ёки 2,2 баробарга кўпайган. ЯИМ ҳажми ортиб борган бўлсада, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати пасайиб борган, яъни 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 2,5 фоизга камайиб 5,5 фоизни ташкил этган. Шунга қарамасдан, ЯИМ

¹<http://www.mf.uz>- Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотларини таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

ҳажмида давлат бюджети харажатларининг улуши 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 5,7 фоизга ортиб 23 фоизни ташкил этган.

Давлат бюджетидан молиялаштриладиган таълим харажатларини ЯИМнинг ҳажмига нисбатан улуши пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 0,5 фоизга камайиб 5,6 фоизни ташкил этган.

Умумтаълим харажатларининг ЯИМ даги улуши эса 2015 йилда 3,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 1,2 баробарга ортиб 3,8 фоизни ташкил этган.

Бундай ўзгаришни 2019 йилда Республикадаги умумий ўрта таълим муассасалари сони 104 тага кўпайиб, 10 551 тани ташкил этиши, шунингдек ўз навбатида умумий ўрта таълим муассасаларида жами синф ва тўғарак гуруҳларисони 25 497 тага, шундан синфлар сони 24 220 тага ҳамда тўғарак гуруҳларисони 1 277 тага кўпайган ва ходимлар ойлик маошларини оширилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу ўринда давлат бюджети харажатлари таркибида умумтаълим харажатларини улушини кўриб чиқамиз (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таркибида умумтаълим харажатларининг улуши²

Таълим харажатлари мамлакатимизнинг давлат бюджети харажатлари таркибида асосий улушга эга бўлиб, 2015 йилдаги 35,2 фоизни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2019 йилда 24,4 фоизни ташкил этмоқда, яъни 2015-2019 йиллар оралиғида 11 фоизга камайган. Таълим харажатлари суммасининг (15 941 млрд сўмга) ортишига қарамасдан, жами бюджет харажатлари таркибидаги улуши пасайиб борган. Шунга мос равишда умумтаълим харажатларининг жами бюджет харажатларидаги улуши ҳам 4 йил мобайнида камайиб борган, яъни 2015 йилда 19,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб ўтган йилга нисбатан 0,6 пунктга ортиб 16,5 фоизни ташкил этган. Ушбу харажатлар пасайиш тенденциясига эга бўлсада, умумтаълим харажатларини

²<http://www.mf.uz>- Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотларини таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

жами таълим харажатлари таркибидаги улуши салмоқли қисмини ташкил этиб, ўсиш тенденциясига эга бўлган, яъни 2015 йилдаги 54,7 фоиз ўрнига 2019 йилда 67,7 фоизини ташкил этган. Охириги 2 йилда бу кўрсаткични ортишини ушбу тизимда фаолият юритаётган ходимлар ойлик маошларини 2018 йил сентябрь ва 2019 йил январь ойларида оширилганлиги билан изоҳлаш мумкин (1-жадвал).


1-жадвал

Умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкаси тўғрисида маълумот
(минг сўмда)³

	Лавозими	2018 йил 1 сентябргача ҳолат				2018 йилнинг 1 сентябидан				2019 йилнинг 1 январидан				фарқи	
		Базавий тариф ставкаси	Устамалар	Ойлик иш ҳақи миқдори, устамалар билан бирга	Қўлга оладиган иш ҳақи миқдори	Базавий тариф ставкаси	Устамалар*	Ойлик иш ҳақи миқдори, устамалар билан бирга	Қўлга оладиган тш ҳақи миқдори	Базавий тариф ставкаси	Устамалар	Ойлик иш ҳақи миқдори, устамалар билан бирга	Қўлга оладиган иш ҳақи миқдори	суммада	фоизда
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14=10-6	15=10/6
1	Бошланғич синф ўқитувчиси														
	олий тоифали	1471,6	570,8	2042,4	1627,0	1618,8	600,3	2219,1	1636,6	2023,5	681,2	2704,7	2380,4	404,7	25%
	1-тоифали	1387,2	553,9	1941,1	1556,8	1525,9	581,7	2107,6	1586,0	1831,1	642,7	2473,8	2176,9	305,2	20%
	2-тоифали	1299,0	536,3	1835,3	1482,5	1428,9	562,3	1991,2	1529,9	1643,3	605,1	1148,4	1978,6	214,4	15%
	тоифасиз	1213,1	519,1	1732,1	1404,6	1334,4	543,4	1877,8	1472,6	1467,8	570,1	2037,9	1793,4	133,4	10%
2	Юқори синф ўқитувчиси														
	олий тоифали	1354,8	547,4	1902,2	1529,1	1618,8	600,3	2219,1	1636,6	2012,5	681,2	2704,7	2380,4	404,7	25%
	1-тоифали	1228,7	522,2	1750,9	1418,8	1525,9	581,7	2107,6	1586,0	1831,1	642,7	2473,8	2176,9	305,2	20%
	2-тоифали	1150,8	506,6	1657,4	1347,8	1428,9	562,3	1991,2	1529,9	1643,3	605,1	1148,4	1978,6	214,4	15%
	тоифасиз	1074,9	491,4	1566,3	1279,0	1334,4	543,4	1877,8	1472,6	1467,8	507,1	2037,9	1793,4	133,4	10%
3	Мактаб директори														
	1-гуруҳ (1601 ва ундан ортиқ ўқувчи)	2012,5	0,0	2012,5	1606,5	2213,7	0,0	2213,7	1606,5	2435,1	-	2435,1	2142,9	221,4	10%
	2-гуруҳ (881-1600 ўқувчи)	1902,5	0,0	1902,5	1529,3	2092,7	0,0	2092,7	1529,3	2302,0	-	2302,0	2025,7	209,3	10%
4	Директор ўринбосари	1794,1	0,0	1794,1	1451,6	1973,5	0,0	1973,5	1451,6	2170,9	-	2170,9	1910,4	197,4	10%
5	Психолог	715,1	0,0	715,1	636,9	1200,9	0,0	1200,9	636,9	1321,0	-	1321,0	1162,5	120,1	10%
6	Кутубхоначи	726,3	145,3	871,6	754,9	799,0	145,3	799,0	754,9	878,9	175,8	1054,7	928,1	79,9	10%

³http://www.mf.uz- Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотларини таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Таълим тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, таълим жараёни даражаси ҳамда сифатини такомиллаштиришга қаратилган таълим стандартлари ва дастурларини мукамаллаштириш, шунингдек умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашни давом эттириш масалаларига охириги 3 йилда алоҳида аҳамият қаратилмоқда.



3-расм. 2017-2019 йилларда давлат бюджетидан умумий ўрта таълим соҳаси учун ажратилган маблағлар таркиби тўғрисида маълумот⁴

Маълумотлардан кўриб турганимиздек, умумий ўрта таълим соҳаси харажатлари таркибида ходимларнинг иш ҳақи харажатлари (ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган ҳолда) салмоқли улушга эга бўлиб, 2017-2018 йилларда жами харажатларнинг 87 фоиздан кўпроғини ташкил этган бўлса, 2019 йилда 85,5 фоизини ташкил этган.

Ушбу соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг ойлик маошлари оширилиб бораётганлигига қарамадан иш ҳақи харажатларини жами харажатлардаги улушининг камайиши бошқа харажатлар улушини ортиши ҳисоби, аниқроқ айтадиган бўлсак, таъмирлаш, янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш харажатларини ортиши эвазига юзага келган. Таъмирлаш, янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш харажатлари 2018 йилда ўтган йилга нисбатан 0,5 фоизга камайган бўлсада, 2019 йилга келиб 2 фоизга ортган ва 14 фоизни ташкил этган. Бундай ўзгаришни таъмирлаш, тиклаш ишлари олиб борилган мактаблар сонини 2017 йилдаги 486 тадан 2019 йилда 762 тага етгани билан изоҳлаш мумкин.

Жиҳозлаш харажатлари эса ҳар йили 0,1 фоизга камайиб, 2019 йилда жами харажатларнинг 0,5 фоизини ташкил этган. Жиҳозлаш

⁴<http://www.mf.uz>- Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотларини таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

харажатларининг улуши камайган бўлсада, суммаси ўтган йилларга нисбатан 20 фоизга ортганлигини кўриш мумкин(4-расм).

Умумтаълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари учун 2017-2019 йилларда давлат бюджетидан жами 5 464,0 млрд.сўм маблағ ажратилди. Шундан, 2017 йилда 1 196,2 млрд сўм, 2018 йилда 1 529,1 млрд.сўм ажратилган бўлса, 2019 йилга келиб 2 738,9 млрд.сўмёки 2017 йилга нисбатан 2,29 бараварга кўпроқ маблағ ажратилган (2-жадвал).

2-жадвал

2017-2019 йилларда давлат бюджетидан умумий ўрта таълим соҳаси учун ажратилган маблағлар таркиби тўғрисида маълумот⁵млрд сўмда

	Харажат турлари	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2019 йил 2018 йилга нисбатан	2019 йил 2017 йилга нисбатан
	Умумий ўрта таълим, жами харажат	10279,4	13693,1	19951,2	145%	194 %
1	Иш ҳақи*	8721,8	11668,8	16685,7	142%	191%
2	Таъмирлаш, янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш	1196	1529,1	2738,9	179%	229%
3	Таъмирлаш, тиклаш ишлари олиб борилган мактаблар сони	486	360	762	212%	157%
4	Янги қурилган мактаблар сони	12	21	51	243%	425%
6	Жиҳозлаш харажатлари	69	83	100	120%	145%

Бунинг натижасида, умумтаълим мактабларини қурилиш-таъмирлаш ишлари жадаллаштирилди, агар 2017 йилда 486 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари, шундан 12 та мактаблар янгидан қурилган бўлса, 2019 йилга келиб 762 та,шундан 51 та янги қурилиш ёки 2017 йилга нисбатан қурилиш-таъмирлаш ишлари1,6 баробарга,шундан янги қурилиш 4,2 баробарга кўпайди.Мазкур олиб борилган ишлар натижасида охириги уч йил ичида қўшимча равишда 28 304 таўқувчи ўринлари янги қуриш ҳамда 148 228ўқувчи ўринли қўшимча ўқув бинолари реконструктсия қилиш орқали фойдаланишга топширилди, 392 та спорт заллар қурилди.

Ўтган йиллар мобайнида таълим харажатлари, хусусан халқ таълими харажатларининг салмоқли улуши маҳаллий бюджетлар ҳисобига тўғри келар эди. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базасини тубдан

⁵<http://www.mf.uz>- Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотларини таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

мустаҳкамлаш, юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига қарамлигини қисқартириш, ҳамда масъулиятини ошириш мақсадида 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб 2017 йилнинг 31 декабригача тажриба тариқасида Тошкент шаҳри ва унинг туманлари маҳаллий бюджетларининг харажатлар қисмида халқ таълими харажатлари билан боғлиқ ўзгаришлар амалга оширилди [12].

Биринчидан, туманлар бюджетларидан молиялаштирилаётган умумтаълим мактаблари ходимларининг ойлик иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар бўйича харажатлари Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ажратилаётган мақсадли бюджетлараро трансфертлари ҳисобига амалга оширилади.

Иккинчидан, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади.

Учинчидан, махсус мактаблар, мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг таъминоти харажатлари Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилди.

Халқ таълимини молиялаштириш учун сарфланаётган маблағлар қайси бюджетдан ажратилаётганлигидан қатъий назар улардан самарали фойдаланиш зарур, шундагина қўйилган мақсадга эришилади.

Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2019 йилда ўтказилган назорат тадбирлари натижасида Халқ таълими тизимида бюджет маблағларини ноқонуний ишлатиш ҳолатлари аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

2019 йилда Молия вазирлиги томонидан Халқ таълими тизимида ўтказилган назорат тадбирлари натижалари⁶

	Назорат ўтказилган бюджет ташкилотлари	Камчилик аниқланган бюджет ташкилотлари		Аниқланган молиявий хатоликлар суммаси	Аниқланган молиявий хатоликларнинг тикланган суммаси	
	сони	сони	фоизда	млн сўмда	млн сўмда	фоизда
Жами	8 074	6 616	81,9	142 592	129 139	90,5
Халқ таълими вазирлиги тизимида	1 301	1 112	85,5	29 821	25 228,6	84,6
жамига нисбатан фоизда	16,1	16,8	X	20,9	19,5	x

Турли йўллар билан ноқонуний сарфланган сумманинг 71,3 фоизи ёки 21 258,5 млн. сўми вазирлик тизимидаги ташкилотларда иш ҳақи ва унга

⁶<http://www.mf.uz>- Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотларини таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

тенглаштирилган тўловлар учун ажратилган маблағлар ҳиссасига тўғри келади.

Хулоса ва таклифлар

Самарали ташкил этилган халқ таълими тизимини молиялаштириш механизмгина таълим тизимини самарадорлигини таъминлайди. Бу эса, таълим тизимининг олдида қўйилган мақсадларига эришишга ва уларни амалга оширишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда халқ таълими харажатларини молиялаштириш асосан бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва ушбу харажатларнинг салмоқли улуши иш ҳақи харажатларига тўғри келади. Охириги 2 йил мобайнида ушбу тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг иш ҳақларини ошириш бюджетдан ажратилаётган харажатларни ҳам ортишига олиб келмоқда. Туман ва шаҳар бюджетлардан молиялаштириладиган ижтимоий соҳа харажатлари, хусусан таълим харажатларини молиялаштиришга маҳаллий бюджет маблағлари етарли эмас. Шу сабабли 2020 йил 1 январдан бошлаб умутаълим мактабларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов харажатлари Республика бюджетидан молиялаштиришга ўтилиши халқ таълими тизимини молиялаштиришни самарали ташкил этишга қаратилган. Аммо юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, айнан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун бюджетдан ажратилган маблағлар турли йўллар билан ноқонуний сарфланган, жумладан:

- нақд пул маблағларидан камомад содир этиш;
- пластик карточкаларга асосиз маблағ ўтказиш;
- ҳақиқатда ишламаган (ўлик жон) фуқаролар номига маблағ чиқим қилиш.

Жорий йилдан халқ таълими тизимини молиялаштиришда маблағларни самарали ва шаффоф тизим асосида тақсимлаш ва фойдаланишни таъминлаш мақсадида халқ таълими тизими харажатлари Халқ таълими вазирлиги орқали амалга оширилади. Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, яъни нафақат молиявий назорат органлари томонидан, балки таълим муассасининг раҳбари ва вазирликнинг махсус бўлимлари томонидан доимий равишда назорат қилиниши лозим ва бу бўйича жавобгарлик ҳар иккала муассасасага юклатилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда халқ таълими тизимида бюджет маблағларини сарфланиш жараёни назорат қилишда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бунда умутаълим мактаблари учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан ташкилот раҳбари нафақат молия вазирлиги олдида, балки жамоа ёки ота-оналар (солиқ тўловчилар) олдида ҳам ҳисобдор бўлиши талаб этилади. Яъни рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга

аҳамият берилаётган бугунги кунда умумтаълим мактабларида электрон досklar орқали бир ой мобайнида сарфланган мабалағларнинг ҳисоботлари акс эттирилиши мумкин.

Иккинчидан, харажатларни тўғрирежалаштиришга катта аҳамият бериш ва ўтказилган текширув натижалари ўз вақтида маълум қилишга эришиш керак. Бу амалага оширилган назорат натижаларининг самарадорлигини ва уларнинг таъсирчанлигини белгилаб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 24.01.2020, <http://www.press-servise.uz>

[2] Батова Б.З., Асланова Л.О., Аликаева М.В., Губачиков А.М. Проблемы финансирования образования в России // *Фундаментальные исследования*. – 2016. – № 5-3. – С. 546-550

[3] Chia-Hui Lu. “Social status, compulsory education, and growth”// [Economic Modelling, Volume 68](#), January 2018, Pages 425-434.

[4] Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик – Т.: ТДИУ. 2014. 409-бет.

[5] Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма / Тошкент Молия институти. – Т.: “ИҚТИСОД–МОЛИЯ”, 2007. 84 бет.

[6] Чеха В.В., Финансирование образования: система правового регулирования // *Вопросы российского и международного права*. 2017. Том 7. № 7А. С.274-283

[7] Беляков С.А., Финансирование системы образования в России. М.: МахPress, 2006. 304 с, 114

[8] Нурмухамедова Б., Срождидинова З., Сугирбаев Б., Ўзбекистон Республикасида таълим харажатларини режалаштириш. «InfoCapitalGroup», 2013. – 447. 450 б.

[9] Дўстмухаммад Ҳ., Халқ таълимини молиялаштириш. Монография.- Т.ИҚТИСОДИЁТ, 2016.-142 бет

[10] Рахмонов Д. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори (DSc) даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.2018. 71 б.

[11] Adelifa, Imène Guetat. “Does public expenditure on education promote Tunisian and Moroccan GDP per capital”// [The Journal of Finance and Data Science](#) (2018) 1- 13.

[12] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5075-Фармони. <http://www.lex.uz>